



КАРАРЫ

№ _____ 2018 й.ж. « 26 » март _____ 2018 й.ж.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Академик лицейларга умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини танлаб олиш, ўқишга қабул қилиш, уларнинг ўқишини кўчириш ва ўқишдан четлатиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида”ги 212-сонли қарори ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 26 сентябрдаги ПК-3290-сон қарори ижросини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2018 йил 23 мартдаги “Академик лицейларга умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини танлаб олиш, ўқишга қабул қилиш, уларнинг ўқишини кўчириш ва ўқишдан четлатиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида”ги 212-сонли қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, академик лицейларга умумий ўрта таълим мактабларининг иқтидорли ўқувчиларини танлаб олишнинг самарали механизминини яратиш мақсадида Вазирлар Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2018 йил 23 мартдаги “Академик лицейларга умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини танлаб олиш, ўқишга қабул қилиш, уларнинг ўқишини кўчириш ва ўқишдан четлатиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида”ги 212-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг мазкур қарори билан:

а) Академик лицейларга умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини танлаб олиш, ўқишга қабул қилиш, уларнинг ўқишини кўчириш ва ўқишдан четлатиш тартиби тўғрисидаги низоми 1-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари 2018 йил 1 июндан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши;

в) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштириши топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.


3. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги, Олий таълим муассасалари ректор ва директорлари, ўрта махсус касб-ҳунар таълим бошқармаси Академик лицейларга умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини танлаб олиш, ўқишга қабул қилиш, уларнинг ўқишини кўчириш ва ўқишдан четлатиш тартиби тўғрисидаги Низомига мувофиқ ишлари ташкиллаштирсинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Хукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорлари 2018 йил 1 июндан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълим бошқармаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.Жуманов зиммасига юклатилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши раисининг Раисини
К.Сариев



Вазирлар Кенгашининг
2018 йил 26 мартдаги
286-сонли қарорига
1-илова

Қорақалпоғистон Республикаси Хукуматининг 2018 йил 1 июндан
бошлаб ўз қучини йўқотаётган айрим қарорларнинг
РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини олишни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2010 йил 7 июлдаги 109-сонли қарори тўғрисида” 2010 йил 14 июндаги 113/6-сон қарори.
 2. Вазирлар Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 4 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Хукумати
- айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги 137-сонли қарори ҳақида” (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Худудларни комплекс ривожлантиришни таъминлашда давлат бошқаруви органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 22 февралдаги ШҚ-2495-сон қарори)” 2016 йил 7 майдаги 119-сонли қарорига илованинг 2-банди.

